

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ



2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар ҳисоботини ҳамда 2022 йил февраль ойида ўтказилиши кутилаётган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 28-августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ҳамда 2021-йил 13-апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021-йил 22-апрелдаги ПҚ-213-ИВ-сонли Қарори, шу бўйича халқ депутатлари туман кенгашининг 2021-йил 16-апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 203/08-17-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг 7,27,29-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021-йил 16-апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги 203/08-17-сонли қарори билан тасдиқланган намунавий Низомнинг 27-бандига асосан 2021-йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан туман ҳокимлиги молия бўлими мудири А.Абдусаломовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021-йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар, яъни ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотлар ва ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотга иловалар 1-иловага асосан;

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни якунларига кўра фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги маълумот 2-иловага асосан тасдиқлансин.

3. 2022-йил феврал ойида ўтказилиши кутилаётган ташаббусли бюджет жараёни учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифи 3-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Абдусаломов) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (Ф.Довутов)лар маблағларни ўрнатилган тартибда жамғарма ўтказилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (С.Маматмуродов) келтирилган иловаларга мувофиқ шаклларда “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтириладиган маблағлар миқдорини ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли ва самарали ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларни “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда туманнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар жойлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Кенжаев), Ижросини таъминлаш молия-иқтисодиёт ва

камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юкалатилсин.

Кенгаш раиси

Ўрақов Б. А.

«Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида

расмий

веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш

тартиби тўғрисидаги низомга 16-ИЛОВА

Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича

МАЪЛУМОТ

Жарқўрғон тумани

31.12.2021 йил ҳолатига

1-жадвал

№	Кўрсаткич номи
1	Йил бошига қолдиқ
2	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағ *
3	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирлар маблағлар **

3,1	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга тузилган шарт
3,2	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташкилотла
4	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар

2-жадвал

№	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштири. таклифлар со
1	Умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш	1
2	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш	2
Жами		3

Изоҳ:

*** Ушбу қаторда мазкур маълумотнинг 1-илоvasидаги Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар устунининг Жами ажратиладиган маблағлар қаторидаги маблағлар акс эттирилади.**

**** Ушбу қаторда мазкур маълумотнинг 2-илоvasидаги Ажратилган маблағлар устунининг жами қаторидаги маблағлар акс эттирилади.**

Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотга

1-ИЛОВА

**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши
юзасидан**

МАЪЛУМОТ

Жарқўрғон

тумани

31.12.2021 йил ҳолатига

№	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилиши лозим бўлган маблағларини шакллантириш манбалари				Фуқаролар таша жамғар ҳақиқ ўтказ мабла
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1	Туман бюджетининг тасдиқланган умумий ҳаражатларининг 5 фоиз қисми миқдорида ажратилган маблағлар	-	-	-	-	-

2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5250- сонли қарорига асосан Республика бюджетидан ажратилган маблағлар					290000,0	290 000
2	Туман (шаҳар) бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи миқдорида ажратиладиган маблағлар		434053,1	273758,9	289200,0	-	999 616
2,1	Шу жумладан	эркин қолдиқ маблағлари	198094,8				198 09
2,2		даромадларнинг ҳисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисми	235958,3	273758,9	289200,0		801 521
2,3		давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар					

2,4	электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар						
2,5	бюджетдан ажратилган маблағлар камайтирилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар						
3		Жами ажратилган маблағ	434053,1	273758,9	289200,0	290000,0	1 289 61

Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

Жарқўрғон тумани

31.12.2021 йил ҳолатига

№	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўпланган овозлар сони	Шундан			Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)
			онлайн овозлар сони	офлайн овозлар сони	СМС код орқали овозлар сони	
1	1160300069	1540,0	11,0	-	1529,0	Туман Ҳалқ таълими бўлимига қарашли 21-мактаб биносининг том қисмини жорий таъмирлаш
2	1160300042	1539,0	6,0	551,0	982,0	Туман Соқчи МФЙ ҳудудида тоза ичимлик сув қудуғи қазиш ишла

3	1160300003	880,0	2,0	605,0	273,0	Туман Оқтепа МФЙ ҳудудидаги тоза ичимл сув қудуғини жорий таъмирлаш
х	ЖАМИ		19,0	1156,0	2784,0	х

**Жарқўрғон туманида Феврал ойида ўтказиладиган Ташаббусли бюджет
жараёнининг жорий йилдаги биринчи босқичида режалаштирилган
маблағлар миқдори тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

Сўмда

Т/Р	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағ	Туман бюджетининг тасдиқланган умумий ҳаражатларининг 5 фоиз миқдорида ажратилган маблағ
1	441 363 647,0	4 674 827 000,0